# ТУРИЗМ СОҲАСИНИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

**Хонкелдиева Комилахон Равшанжон қизи,**
Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, PhD

*https://doi.org/10.5281/zenodo. 7329395*

***Аннотация:*** *Жаҳонда туризм соҳаси тез суръатлар билан ривожланиб бораётган ва энг даромадли бизнес тури бўлиб, унинг жаҳон ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)даги улуши 10,0 фоизни ташкил этади. Шунингдек, яратилаётган иш ўринларининг ҳар еттинчиси туризм соҳасига тўғри келади.*

***Калит сўзлар:*** *туризм, компютер технологиялари, туризм бозори, глобаллашув, интеграция.*

# ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ УПРАВЛЕНИЯ ТУРИСТСКОЙ ОТРАСЛЬЮ

***Аннотация****: В мире индустрия туризма является быстрорастущим и наиболее прибыльным видом бизнеса, ее доля в мировом валовом внутреннем продукте (ВВП)составляет 10,0%. Также каждая седьмая часть создаваемых рабочих мест приходится на сферу туризма.*

***Ключевые слова:*** *туризм, компьютерные технологии, туристический рынок, глобализация, интеграция.*

# THEORETICAL FOUNDATIONS OF TOURISM INDUSTRY MANAGEMENT

***Abstract****: In the world, the tourism industry is the fastest growing and most profitable type of business, its share in the world gross domestic product (GDP)it is 10.0%. Also, every seventh of the jobs created are in the tourism sector.*

***Keywords****: tourism, computer technology, tourism market, globalization, integration.*

## КИРИШ

Мутахассисларнинг фикрига кўра, яқин келажакда туризм бир қатор мамлакатларда асосий хизмат кўрсатиш соҳасига айланиб, нефть қазиб олиш ва қайта ишлаш, автомобилсозлик ва компьютер технологияларини ишлаб чиқиш каби иқтисодиётнинг анъанавий илғор соҳаларидан ҳам ўзиб кетиши мумкин. Туризм бозори баъзи бир давлатларнинг иқтисодий тизимида аллақачон етакчилик вазифасини бажариб келмоқда. Бу бозор,албатта, ўз илмий-назарий асосига эга. Туризм секторининг бошқарув аҳамиятини билиш учунунинг назарий асосларини кўриб чиқишимиз зарур. Бунингучун, аввалambor,туризм соҳасига оид атамалар изоҳини билиб олмоқ зарур.

Туризм французча *tour* сўзидан олинган бўлиб, сайр-саёҳат маъносини англатади.Ўзбекистон Республикасининг "Туризм тўғрисида"ги Қонунида туризм тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: "Туризм – жисмоний шахснинг доимий истиқомат қиладиган жойидан соғломлаштириш, маърифий, касбий-амалийёки бошқа мақсадларда борилган жойда (мамлакатда) ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда узоғи билан бир йил муддатга жўнаб кетиши (саёҳат қилиши)".

## ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Туризм - бу одамларнинг бўш вақтларида ўз доимий турар жойларидан бошқа мамлакат ёки ўз мамлакатлари ичида таассурот ва дам олиш, соғлиқни тиклаш, меҳмондорчилик, билим олиш ёки касбий амалий мақсадларида саёҳат килишлари, лекин борган жойларида пул билан рағбатлантириладиган иш билан шуғулланмайдилар.

Жаҳон хўжалигининг глобаллашуви ва интеграциялашуви кучайиб бораётганбир даврда туризм тушунчасининг моҳиятини тўғри талқин этиш ва унинг моҳиятини тўғри

англаб етиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этади. Бу ҳақда хорижий ва маҳаллий олимларнинг фикри турли-туман бўлиб, турлича қараш ва концепциялар мавжуд. Жумладан, А.Ю.Александрова «Кишиларнинг доимий тураржойлари ва ишларидан фарқланувчи жойларга етиб келиши ва жойлашиши вақтида юзага келадиганмуносабатлар ва ҳодисалар йиғиндиси туризмдир»,- деб таъкидлаб ўтган бўлса, Ю.В.Тишуков эса “Туризм –мамлакат фуқаролари, хорижлик фуқаролар вафуқароликка эга бўлмаган шахсларнинг доимий тураржойларидан соғломлаштириш, танишиш, касбий-ишбилармонлик, спорт,диний ва бошқа мақсадларда вақтинчаяшаб турган мамлакатидаги ҳақ тўланадиган фаолият билан банд бўлмаган ҳолда вақтинчалик саёҳатларидир”,- деган фикрни билдиради.

Шуни таъкидлаб ўтишжоизки, айрим хорижий ва маҳаллий олимлар туризмнинг жадал тараққиёти алоҳида тармоқ ҳолидаги индустриядир, яъни туризм индустрия сифатидаҳам тан олинмоқда.

Ю.В.Тишуков ўз рисоласида “Туризм индустрияси – бу меҳмонхона ва бошқажойлаштиришвоситалари, транспорт воситалари, умумий овқатланиш объектлари, дам олиш объектлари ва воситалари, танишиш, ишбилармонлик, соғломлаштириш,спорт вабошқамақсадлардаги объектлар,туроператорлик ва турагентлик фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар, шунингдек, экскурсия хизматлари ва гид-таржимонлар хизматини намоён этувчи ташкилотлар тўпламидир”,-деб эътироф этган бўлса, М.Б.Биржаков эса “Туристик хизмат – туризм мақсадлари, туристик хизматнинг йўналиши ва табиати, туристик маҳсулотга жавоб берувчи, умуминсоний ахлоқ ва тартиб тамойилларига мос келувчи экскурсант ёки туристнинг эҳтиёжларини таъминлаш ва қаноатлантиришга йўналтирилган хизмат кўрсатиш соҳасидаги мақсадларга йўналтирилган ҳаракатлар йиғиндисидир”,- деган фикрни билдиради.

**ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Шунингдек,туризм тармоғини ташкил этиш ва бошқариш нуқтаи назардан таҳлил этган Н.И.Кабушкина ва А.П.Дуровича “Туризм ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида кишиларнинг доимий тураржойлари ва ишларидан фарқланувчи жойларга етиб келиши ва жойлашиши вақтида юзага келадиган ҳамда уларнингмеҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлмаган муносабатлар ва ҳодисалар йиғиндисидир”,- деб таъриф бериб, “Туризм индустрияси – бу ишлабчиқаришни таъминловчи моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги муассаса, ташкилот, ва корхоналар йиғиндиси, туристик маҳсулотни тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш, туристик ресурсларни ўзлаштириш ва фойдаланиш, туризмнинг моддий-техника базасини яратиш ҳисобланади”,- деб кўрсатади.С.А.Быстров ва М.Г.Воронцова эса “Туристик хизматлар бозори – бу маълум вақт ва маълум жойда ўзига хос туристик товарлар ва хизматлар савдо-сотиқ жараёнларини таъминлаш учун талаб ва таклифни бирлаштирувчи умумиқтисодий ҳодиса ҳисобланади”,- деб ёзади. Е.Н.Ильина эса, туристик бозор асосантўртта асосий унсурларнинг иқтисодий ўзаро таъсир этиш тизимида, яъни туристик талаб, туристик маҳсулот таклифи, нарх ва рақобатда намоён бўлади. Замонавий туристик бозоретарли даражада ривожланган бўлиб, бошқа бозорлар каби у сотувчининг бозоридан (бунда ишлаб чиқарувчиқандай маҳсулот, қандай миқдорда ва қаерда сотишни ҳал этади) харидорнинг бозоригача ривожланади.Харидор қандай маҳсулот,қанча ҳажмда ва қандай нарх бўйича ишлаб чиқарувчи маҳсулот ишлаб чиқаришини белгилайди,- деб кўрсатади.

**ХУЛОСА**

Бундан ташқари туризмга турли даврларда турлича ёндашилгандир. Бу борада бир қатор тушунчаларни келтириш мақсадга мувофиқ деб биламиз.Интернационал Вебстер луғатида турнинг маъноси қуйидагича ифодаланган: иш, завқ олиш, ўқиш учун қилинадиган саёҳат ва бу саёҳатлар мобайнида турли хил жойларни зиёрат қилишдан ва режалаштирилган саёҳат дастуридан юзага келадиган жараён тур деб аталади. Саёҳатчи маълум муддатдан сўнг ўз юртига қайтади. Этимологик хатога йўл қўймаслик ва бу ҳодисанинг чегараларини белгилаш мақсадида туризм сўзини аниқ таърифлашга ҳаракат қилинган, чунки у тадқиқот ва таҳлил қилишда; статистик маълумотларни тўплашда; қонуний ва маъмурий норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишда, шунингдек улар билан ишлашда; туризмнинг иқтисодий-ижтимоий механизмни белгилашда муҳим касб этади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:**

1. Хамрақулов, И. Б. (2021). Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантиришнинг назарий асослари. *Scientific progress*, *2*(7), 586-592.

2. Ихтиёр Бахтиёрович Хамрақулов (2022). КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МОҲИЯТИ ВА ЎЗИГА ХОС ҲУСУСИЯТЛАРИ. Scientific progress, 3 (1), 328-334.

3. Хамракулов, И. Б. (2021). Теоретические основы создания и развития малых промышленных зон. *ма*, *2*, 49.

4. Хамрақулов Ихтиёр Бахтиёрович (2022). КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ СТРАТЕГИК ИМКОНИЯТЛАРИ. Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS), 2 (Special Issue 2), 140-146.

5. Хайдаров, Х., Нурматова, И., & Хонкелдиева, К. (2021). Факторы формирования сильного конкурентного рынка в текстильной промышленности. In *НАУКА СЕГОДНЯ: ВЫЗОВЫ И РЕШЕНИЯ* (pp. 59-61).

6. Хонкелдиева, К., Рахимова, Х., & Хасанхужаева, У. (2021). Предупреждение преступности среди несовершеннолетних. *Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы [Текст]: мате*, 34.

7. Xonkeldiyeva, K. R. (2021). Features of management of textile industry enterprises based on the cluster approach. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, *11*(9), 780-783.

8. Zokirova, S. X., Ahmedova, D., Akbarov, R. F., & Xonkeldiyeva, K. R. (2021). Light Industry Enterprises In Marketing Activities Experience Of Foreign Countries In The Use Of Cluster Theory. *The American Journal of Management and Economics Innovations*, *3*(01), 36-39.

9. Xonkeldiyeva, K., & Xo'jamberdiyev, J. (2020). Экономика и социум.

10. Asqarova, A., Xonkeldiyeva, K., Abdumutalibova, X., & Murotova, D. (2021). Issues of increasing the competitiveness of light industry enterprises. *Наука сегодня: проблемы и пути решения [Текст]: материа*, 48.

11. Asqarova, A. M., Xonkeldiyeva, K. R., Nomonjonova, F. U., Qodirova, S. Q., & Arabxonova, X. A. (2021). Classification Of Competition In The Market Of Light Industrial Goods And The Factors That Shape It. *The American Journal of Management and Economics Innovations*, *3*(01), 43-46.

12. Asqarova, A. M., Xonkeldiyeva, K. R., Abdukarimova, R. A., Xudoyberdiyeva, X. B., & Egamberdiyeva, N. B. (2021). Theories Of Marketing Strategies To Increase The

Competitiveness Of Light Industry Enterprises. *The American Journal of Management and Economics Innovations*, *3*(01), 40-42.

13. Ихтиёр Бахтиёрович Хамрақулов (2022). КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МОҲИЯТИ ВА ЎЗИГА ХОС ҲУСУСИЯТЛАРИ. Scientific progress, 3 (1), 328-334.

14. Zokirova, S. X., Akbarov, R. F., Isagaliyeva, S. M., & Xonkeldiyeva, K. R. (2021). Sand Distribution In Central Fergana. *The American Journal of Interdisciplinary Innovations Research*, *3*(01), 113-117.

15. Xonkeldiyeva, K., & Xo'jamberdiyev, J. (2020). Improving organizational effectiveness of industrial production. *Экономика и социум*, *3*, 145-147.

16. Хонкелдиева, К., Рахимова, Х., & Абдусатторова, З. (2020). Проблемы развития социального обеспечения населения. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 42-43).

17. Хонкелдиева, К., & Мўйдинжонова, М. (2020). Необходимые условия обеспечения гендерного равенства. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 40-41).

18. Хонкелдиева, К., & Муйдинжонова, М. (2020). Актуальные проблемы решения безработицы в Республике Узбекистан. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 18-19).

19. Хонкелдиева, К., & Хўжамбердиев, Ж. (2020). Проблемы развития организации: управленческий и логистический аспекты. In *Наука сегодня: история и современность* (pp. 17-19).

20. Хамракулов, И. Б. (2021). Теоретические основы создания и развития малых промышленных зон. *ма*, *2*, 49.

21. Хонкелдиева, К., & Толибжонова, М. (2020). Механизм формирования инновационного процесса в текстильном производстве как основа адаптации к процессам глобализации. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 15-16).

22. Хонкелдиева, К., & Абдусатторова, З. (2020). Социальная инфраструктура как фактор социально-экономического развития региона. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 17-18).

23. Хонкелдиева, К., & Фарохиддинова, З. (2020). Гендерное равенство как ценность права. Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы: материа.

24. Хамрақулов Ихтиёр Бахтиёрович (2022). КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ СТРАТЕГИК ИМКОНИЯТЛАРИ. Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS), 2 (Special Issue 2), 140-146.

25. Хонкелдиева, К. (2020). Актуальные вопросы повышения экономического потенциала текстильной промышленности. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 13-15).

26. Хонкелдиева, К., & Фарохиддинова, З. (2020). Гендерное равенство как ценность права. *Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы [Текст]: материа*, 61.

27. Хонкелдиева, К., & Маматкулова, Ф. (2020). Социально-экономические аспекты устойчивого развития предприятия. In *Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы* (pp. 36-37).

28. Хонкелдиева, К., & Фарохиддинова, З. (2020). Оценка влияния рынка труда на уровень безработицы в республике Узбекистан. *Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы [Текст]: материа*, 37.

29. Хонкелдиева, Г. Ш. (2019). Организационно-экономический механизм управления инвестиционной деятельностью в сфере телекоммуникаций. *Экономика и бизнес: теория и практика*, (11-3), 146-150.

30. Khankeldieva, G. S. (2019). Prospects of the development of investment activity in the field of tourist services: problems and ways of solution. *Theoretical & Applied Science, Philadelphia, USA. 10*, (78), 160.

31. Ханкелдиева, Г. Ш. (2017). Перспективы развития электроэнергетической отрасли Республики Узбекистан в условиях модернизации экономических отношений. *Бюллетень науки и практики*, (12 (25)), 293-299.

32. Ханкелдиева, Г. Ш. (2017). Особенности корпоративного управления в акционерных обществах с государственным участием. *Бюллетень науки и практики*, (11 (24)), 357-363.

33. Ханкелдиева, Г. Ш. (2017). Корхоналар корпоратив бошқарувининг баҳолаш усулларини таҳлил қилиш. *Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали*, (5).

34. Abdumutalovich, K. A. (2021). FORMATION AND ORIGINS OF THE DEVELOPMENT OF ENTREPRENEURIAL ACTIVITY IN UZBEKISTAN. *EPRA International Journal of Research & Development (IJRD)*, *6*(7), 1-1.

35. Хонкелдиева, Г. Ш. (2018). Развитие промышленных предприятий в Республики Узбекистан. *Т.: Иқтисодиёт ва таълим*.

36. Ханкелдиева, Г. Ш. (2018). Глобаллашув шароитида электроэнергетика тармоғида стратегик бошқарув усулларидан самарали фойдаланиш. *Иқтисодиёт ва таълим*, (5), 357-363.

37. Sh, K. G. (2020). Theoretical and economic prerequisites for the development of regional industrial clusters in the economy of the republic of uzbekistan. *EPRA International Journal of Research and Development (IJRD)*, 234-240.

38. Ханкелдиева, Г. Ш. (2020). Жизненный цикл корпорации и формирование приоритетов в реализации экономических интересов ее субъектов. In *Наука сегодня: опыт, традиции, инновации: Материалы международной научно-практической конференции. Вологда* (p. 46).

39. Ханкелдиева Гузал Шеровна (2022). МЕТОДЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МАРКЕТИНГОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ В СФЕРЕ ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОГО И ПАССАЖИРСКОГО ТРАНСПОРТА. Бюллетень науки и практики, 8 (5), 489-494.

Ханкелдиева Гузал Шеровна (2021). ПЕРСПЕКТИВЫ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ ПРЕДПРИЯТИЙ УЗБЕКИСТАНА В УСЛОВИЯХ ТРАНСФОРМАЦИИ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ. Бюллетень науки и практики, 7 (12), 240-245.